

- 4.4. Нефт маҳсулотлари «Истеъмолчи»га ёнлиги таркатиш шохобчаларидан таркатиш ведомостлари асосида белгиланган тартибда ёки транспорт воситасида етказиб берилиши мумкин.
- 4.5. «Истеъмолчи»нинг розилиги билан хаки тўланган нефт маҳсулотлари муддатидан олдин етказиб берилиши мумкин. Ушбу нефт маҳсулотлари кейинги даврларда етказиб берилиши керак бўлган маҳсулот ҳисобига ўтказилади.
- 4.6. Назарда тутилган микдорда ортикча бир номда нефт маҳсулотлари етказиб берилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари ўринини тўлдириш сифатида қаралмайди ва етказиб берилмаган нефт маҳсулотларининг ўрни тўлдирилиши керак, бундай нефт маҳсулотлари етказиб бериш «Истеъмолчи»нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича амалга оширилиш ҳоллари бундан мустасно.
- 4.7. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари бевосита «Истеъмолчи»нинг масъул ходими томонидан қабул қилиб олинади. Топшириш-қабул қилиш ҳужжатида етказиб берилган нефт маҳсулоти микдори кўрсатилади. Сифатига оид ҳужжатнинг нусхаси «Истеъмолчи»нинг талаби билан берилади.
- 4.8. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш мазкур шартномада кўрсатилган муддатлар амалга оширилади.

V. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

5.1. Шартнома Учқудук туман бўйича Ғазначилик булимидан руйхатдан утказилгандан қонуний кучга қиради. Шартнома 2022 йил 31 декабр кунининг якунига қадар ёки шартномавий мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунигача қадар амалда бўлади.

VI. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1. Агар етказиб берилган нефт маҳсулотларининг сифати, ассортименти, навлари стандарт техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, «Етказиб берувчи» сифати зарур даражада бўлмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 20 фоизи микдорда жарима тўлайди.
- 6.2. Нефт маҳсулотларини етказиб бериш кечиктирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган нефт маҳсулотлари қийматининг 50 фоизидан ортик бўлмаглиги керак.
- 6.3. Етказиб берилган нефт маҳсулотлари учун ўз вақтида ҳақ туламаганда «Истеъмолчи» «Етказиб берувчи»га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи микдорда пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортик бўлмаглиги керак.
- 6.4. «Истеъмолчи» томонидан сарфланган транспорт харажатлари ва бошқа қўшимча тўловларни тўламаганлиги учун «Етказиб берувчи» «Истеъмолчи»га тўлов муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда туланмаган сумманинг 0,4 фоизи, бироқ тўлов муддати утказиб юборилган сумманинг 50 фоизидан кўп бўлмаган микдорда пеня тўлайди.
- 6.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

- 7.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлар, яъни енгиб бўлмайдиган куч (фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қургокчилик, сув тошқини, ёнгин, сел, дул, жала, қон ва қонуности ҳужжатларидаги ўзгаришлар ва ҳокозолар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги исботланса, жавобгар бўлмайди.
- 7.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини, «Комитент»ни ҳамда енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссияни ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.
- 7.3. Форс-мажор ҳолатлари бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар, қондаги қура, мустақил равишда ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузурда ташкил этиладиган енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари (форс-мажор)ни тасдиқлаш бўйича комиссия иштирокида уларни судгача ҳал этиш чора-тадбирларини кўрадилар.
- Форс-мажор ҳолатларини аниқлашда шартнома тарафлари қатнашиши керак.

VIII. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Мазкур шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар қондаги қура, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.
- 8.2. Тарафлар ўзаро келиша олмаган тақдирда, келишмовчилик ва низоли жавобгар жойлашган иқтисодий судда ҳал қилинади.

IX. ЯКУНИЙ ҚОНДАЛАР

- 9.1. Мазкур шартнома тарафларнинг келишувига қура ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, иккинчи тарафнинг талаби бўйича суд тартибда бекор қилиниши мумкин.
- 9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгариш ва қўшимчалар ёзма шаклда амалга оширилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада вақил қилинган вақиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.
- 9.3. Мазкур шартнома икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.
- 9.4. Шартноманинг бажарилишида бир томонлама рад этиш ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгаришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари

«Етказиб берувчи»

"Истеъмолчи"

«Навий нефт базаси» МЧЖ

Зарафшон филиали

Зарафшон шаҳар Ст. Янги Зарафшон.

х/р 2260400000306107702

АТБ «Ўзсаноатқурилишбанк»

Навий шаҳар минтақавий филиали,

МФО 00432 СТИР 200002538

Б.Т.Тухтамуратов

Учқудук туман тиббиёт бирлашмаси

Юридик манзилгоҳ: Олтин тоғ кучаси 27-уй

ТЕЛ: 8-436-593-19-35

ПШ/Р .100022860122487073101054001

Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар ХЖКМ

Банк коди(МФО) 00014

ИНН 200010994

Ғазначилик булими: Молия вазирлиги

Ғазначилиги

.23402000300100001010 ИНН:201122919

Солиш булими масъул ходими

Ҳисобхона масъул ходими

Юрист

